



EZGU FIKR, EZGU SO‘Z, EZGU AMAL!

# ILM SARCHASHMALARI

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING  
ILMIY-METODIK JURNALI



2019-7

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

## ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oly attestatsiya komisiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

7.2019

научно-методический журнал  
Издаётся с 2001 года

Urganch - 2019

## MUNDARIJA

### МАТЕМАТИКА

|  |   |
|--|---|
| Р.Шарипов, З.Рўзметова. Устранимые особенности $m$ – субгармонических функций из класса $C^{1,1}$ .....  | 3 |
| У.Балтаева, Д.Аскарова, Ж.Холбеков. «Связь между нелокальной краевой задачей и нагруженным уравнением третьего порядка гиперболического типа»..... | 6 |

### TIBBIYOT

|   |    |
|---|----|
| С.Исмоилов, Г.Омонова, А.Исмаилов. Диазолин ва фенкаролнинг сенсибилизация ҳолатидаги каламушлар меъда ости бези ҳазм ферментлари фаоллигига таъсири..... | 11 |
|---|----|

### HUQUQSHUNOSLIK

|  |    |
|--|----|
| Ш.Атаев. Жамиятда ҳуқуқий онгнинг ҳуқуқий тартибга солиш тизимида тутган ўрни..... | 15 |
|--|----|

### FALSAFA

|   |    |
|---|----|
| Э.Ибрагимов. Рухий манипуляция: унинг мазмуни ва шакллари, сабаблари ва оқибатлари..... | 19 |
| С.Абдикаримова. Ўзбек оиласи этноанъаналари ва қадриялар.....                           | 22 |
| З.Адилов. Ҳозирги даврнинг экологик муаммолари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....     | 26 |
| З.Язданов. Халқ экологик маданияти анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш масалалари..... | 31 |
| С.Хамдамова. О некоторых теоретических размышлениях Фитрата о поэзии и музыки....       | 33 |

### TARIX

|   |    |
|---|----|
| С.Наврузов, Ф.Вапаева. XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлигига дехқончилик..... | 40 |
|---|----|

### TILSHUNOSLIK

|  |    |
|--|----|
| А.Boymirzayev, Y.Soatova. Sinonimik qator a'zolari orasidagi munosabat va ularning valentlik imkoniyati..... | 45 |
| O.Shukurov. Tilning boyib borishida neologizmlarning o'rni.....  | 50 |
| С.Эркинов. Основы теории терминологической системы.....  | 53 |
| M.Jurayeva. Particularites dans les contes français et ouzbeks.....  | 57 |

### ADABIYOTSHUNOSLIK

|   |    |
|---|----|
| M.Yuldasheva, S.Yusupova. Komil badiiy mahoratining ba'zi qirralari xususida..... | 62 |
| С.Рўзимбоев, М.Пирназарова. Мулланафас – буюк лирик шоир.....                     | 65 |
| Ш.Хожиева. Чўлпон шеъриятида “хаёл” рамзининг поэтик талқини.....                 | 68 |

### PEDAGOGIKA

|   |    |
|---|----|
| Р.Усмонова. Хорижий тил ўрганувчи талабаларга синтактик қурилмаларни ўқитиша интерфаол методлардан фойдаланиш масаласи..... | 74 |
| Б.Саматова. Инглиз тили ўқитиша ўкув мотивацияси ҳамда уни ривожлантириш тамоилиллари.....                                  | 77 |
| А.Аширова, И.Балтаева, М.Салаева. “Дастурлаш асослари” фанини электрон таълим ресурси ёрдамида ўқитиш методикаси.....       | 84 |
| С.Зияева. Методические рекомендации по совершенствованию социолингвистической компетенции у студентов языковых вузов.....   | 88 |

|  |    |
|--|----|
| <b>S.Mo'minov, D.Otaboyeva.</b> Talabalar bilimini nazorat qilish va baholashda onlayn-test dasturlari<br>ning roli..... | 91 |
| <b>Dj.Abduganieva.</b> Building the Motivation in Consecutive Interpretation Teaching.....                               | 95 |

### ILMIY AXBOROT

|  |     |
|--|-----|
| <b>Д.Отамуродова.</b> Буюк француз ёзувчиси Ла Фонтен масаллари унинг замондошлари талқи-<br>нида.....                           | 102 |
| <b>М.Отабоева.</b> Ўзбек ва инглиз тилларида феъл семантик категориялари асосида градуони-<br>мик қаторлар.....                  | 105 |
| <b>Д.Ахмедова.</b> Лексик-семантик муносабатларнинг атоб бирликларини теглашдаги ўрни..  | 107 |
| <b>Z.Baltayeva.</b> Erkin Vohidov ijodida lirik xarakterning o'ziga xosligi.....   | 112 |
| <b>А.Шукуров.</b> Лингвопоэтик талқиннинг график воситалар ёрдамида ифодаланиши.....   | 115 |
| <b>М.Умарова.</b> Инглиз ва ўзбек тилидаги оила ва ҳаётга оид мақоллар ва маталлар ҳамда<br>уларнинг таржимадаги муаммолари..... | 119 |
| <b>О.Уралова.</b> Паремия: понятие и термин.....   | 122 |
| <b>И.Эргашев.</b> Процесс заимствований горных терминов из немецкого языка в узбекский<br>язык.....                              | 126 |
| <b>G.Nurmatova.</b> Problems of Translation of Engineering Terms into Uzbek Language.....  | 129 |
| <b>M.Tillayeva, Q.Yusupova.</b> Ona tili darslarida onomastik materiallardan foydalanish.....                                    | 132 |

### FANIMIZ ZAHMATKASHLARI

|  |     |
|--|-----|
| <b>Таникли олим, илм ва таълим фидойиси, олижаноб инсон.....</b> | 136 |
| <b>Serqirra va sermahsul olim.....</b>                           | 138 |

•verbs of occurrence and verbs of existence or relationship категорияларига мансуб бўлган феълларнинг фақат контекстуал маънодош бирликларга эгалиги ва синонимларга бой эмаслиги сабаблари мавжудлиги боис даражаланиш қаторларини ҳосил қилиш мумкин эмаслиги айтиб ўтилган.

Професор О.Бозоров эса ўз тадқиқотида феълларни аввало маъносига кўра кенг ва тор кўламдаги (жўнатмоқ(бир киши)-кўзгалмоқ (халқ) маънолари бўйича ҳам даражалашишларга эга эканликларини таъкидлайди. Даражаланишнинг феъл категориялари ва вазифавий формаларида ҳам келтириш мумкин деб ҳисоблайди. Феълларнинг бўлишли ва бўлишсиз шакллари орасида ҳам маъно кучайиши ёки пасайиши мавжуд деб ҳисоблайди (ўқиган-ўқиган бўлса керак-ўқигандир-ўқиган кўринади-ўқиган эмас-ўқигани йўқ-асло ўқигани йўқ).<sup>1</sup>

Шунингдек, феълларнинг ўтимли ва ўтимсизлик маъноларидаги ҳам даражаланиш ҳодисаси мавжуд деб ҳисоблаб уларни: ҳаракатнинг предметга қисман ўтганлиги (нондан емоқ, сувдан ичмоқ), бутунлай ўтганлиги (нонни емоқ, сувни ичмоқ) каби турларга ажратади. Шу билан бир қаторда, ўтимлилик ҳодисасини уч босичга ажратиш мумкин деб ҳисоблайди: дастлабки муносабат (нонга қаранг); қисман ўтиш (нондан енг); тўлиқ ўтиш (нонни енг). Нисбат кетегорияларидаги эса субъектнинг ҳаракатни бажариш мавқеига кўра (аниқ/ўзлик – биргалик – орттирма – мажхул); ҳаракат бажарилишида шахслар миқдорининг ошиб боришига кўра (ўзлик – орттирма – биргалик); ҳаракат бажарилишида ўзга шахсларнинг таъсирига учраш даражасига кўра (мўътадил (аниқ, ўзлик, мажхул) – тенглик ёки ҳамкорлик (биргалик) – тобелик (орттирма); ҳаракат аниқлигининг камайиб боришига кўра (аниқ-ўзлик-биргалик-орттирма-мажхуллик) феъл нисбатларидан даражаланиш қаторларини тузиб чиқади. Феълларнинг ҳар бир функционал форма турлари (ҳаракат номи шакллари) ичида ҳам даражаланиш мавжуд деб ҳисоблаб, хусусан, ҳаракат номи шаклларидаги ҳаракатнинг кучсизланиб “предмет” тушунчаси томон боришида (-моқ - -в(-ув) -ш (-иш): ўқимоқ-ўқув-ўқиши); сифатдош шакллари ҳам маъносига кўра ҳаракат белгисининг камайиб бориши бўйича тартибланади (-ётган - -диган - -ган - -р(-ар) - -(у)вчи: оқаётган-оқадиган-оққан-оқар-оқувчи); равишдош формаларида феъллик маъноларининг кучсизланиб боришига кўра (-а/й - -б - -гач - -гунча - -тани: кела, бора-бора, ўқий-ўқий (ҳаракат маъноси кучли) – бориб (пайт оттенкаси бор) – боргач (пайт маъноси кучайган) – боргунча (пайт маъноси хукмрон) ҳам даражаланиш қаторларини мисоллар билан келтириб ўтади.

Ж.Джумабаева ҳаракат англатувчи лексемалар (феъллар)ни лексик бирлик сифатида олиб, уларни маъно турлари бўйича турли категорияларга ажратилган ҳолда градуонимик қаторлар тузган. О.Бозоров эса феълларга морфологик бирлик деб грамматик томондан даражаланиши ёритган. Юқоридагилардан хулоса қиласиган бўлсан, ҳаракат англатувчи лексемалар (феъллар) ҳам маъновий, ҳам вазифавий жиҳатидан ўз даражаланиш қаторларига эга бўла олади.

**Дилдора Ахмедова (БухДУ)**  
**ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ АТОВ БИРЛИКЛАРИНИ  
ТЕГЛАШДАГИ ЎРНИ**

**Аннотация** Мақолада ўзбек тилидаги лексик-семантик муносабатларнинг атов бирликларини теглашдаги ўрни масаласи ёритилган. Синонимлик, антонимлик, уядошлиқ ҳодисалари атрофлича изоҳланган.

**Annotation.** В данной статье освещены задачи лексико-семантических отношений назывных единиц в узбекском языке. Так же подробно исследованы явления синонимии, антонимии и правила собирательности.

<sup>1</sup> Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Докторлик диссертацияси. Тошкент, 1997, 184-бет.

*Annotation.* In this article the issue of the usage of lexic-semantic units to tag nominative units is analized. Features of synonyms, antonyms, and related words are analyzed thoroughly.

**Калит сўзлар:** синонимик, антонимик, градуонимик, партонимик, гипонимик муносабат, лугавий даражаланиш, майдон иерархияси.

**Ключевые слова:** синонимические, антонимические, градуонимические, партонимические и гипонимические отношения, степень словесности, площадь иерархии.

**Key words:** synonym, antonym, hyponomy, paronomy, lexical leveling, field hierarchy.

Лексик бирликлар лисонда турли семантик муносабат асосида ҳар хил парадигма ҳосил қилган ҳолда мавжуд бўлади. Синонимик, антонимик, градуонимик, партонимик, гипонимик муносабат ана шундай лисоний муносабат турларидан.

Узоқ йиллар давомида ўзбек тилининг касб-хунар лексикаси, зоонимлари, фитонимлари бўйича йифилган қимматбаҳо материаллардан фойдаланган ҳолда тил бирликларига систем-структур тилшунослик аспектидан туриб ёндашилган ўнлаб номзодлик диссертация ва монографиялар вужудга келди. Ҳаракат ва ҳолатни, белгини билдирувчи сўзларга анъанавий тарзда азалдан бериб келинган таърифларда ўзгаришлар содир бўлди. И.Қўч-қортоевнинг “Ўзбек тилида нутқ феъллари семантикаси” (компонент ва сўз валентлиги бўйича таҳлил, Р.Расуловнинг “Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари”, С.Ғиёсовнинг “Ўзбек тилида аслий сифатларнинг семантик структурал ва компонент таҳлили”, З.Хусаинованинг “Ўзбек тилида тўй-маросим номларининг ономасиологик тадқики”, Т.Мирзақуловнинг “Ўзбек тилининг морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари”, О.Бозоровнинг “Ўзбек тилида даражаланиш”, Ш.Искандарованинг “Ўзбек тили лексикасини семантик майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони)”, М.Расулованинг “Лингвистикада лексик категорияланиш”, Р.Сафарованинг “Ўзбек тилида гипонимия” (фаол кўлланиладиган зоонимлар мисолида), Г.Неъматованинг “Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадиий қўлланилиши”, Б.Қиличевнинг “Ўзбек тилида партонимия” сингари ишларида генератив, диструбутив, ономасиологик ва структурал методлардан фойдаланилган ҳолда ўзбек тили вокабуласининг системавий хоссалари очиб берилган. Анъанавий тилшуносликда лексемаларнинг ички ва ташки томонидаги йирик муносабат турлари (омоним, синоним, антоним) гагина асосий эътибор қаратилган бўлса, систем-структур йўналишдаги илмий изланишлар натижасида маънавий муносабатларнинг гипонимия (жинс-тур), партонимия (бутун-бўлак), градуонимия (даражаланиш), иерархонимия (погоналаниш) каби турлари юзага чиқарилди. Тил бирликларининг диалектика қонуниятлари асосида бир ерга жамланиши, алоҳида лексик-семантик гуруҳларни ташкил қилиши ҳамда шу гуруҳ ичидаги бошқа аъзолардан маълум бир белгилар асосида фарқланиши сабаблари кенг кўламда тадқиқ қилинди. Хусусан, градуонимия ҳодисаси О.Бозоров ва Ш.Орифжонова, партонимия ҳодисаси Б.Қиличев, гипонимия ҳодисаси Р.Сафаровалар томонидан ўзбек тили материаллари асосида ёритиб берилди. О.Бозоров фонетик, лексик ва синтактик сатҳлардаги градуонимия (даражаланиш)-га атрофлича тўхталар экан, лугавий даражаланишга алоҳида баҳо беради. Лугавий даражаланишнинг денотатив ва коннотатив маъноларда воқеланишини, антонимия ва синонимияни шакллантиришга хизмат қилишини ўқтириб ўтади. Ш.Орифжонова “градуонимик қаторларни лугавий тизимда ажратиш ва ўрганиш сўзлараро маъновий муносабатларни тадқиқ қилиш ишига аниқликлар киритиши ва уларни тўлдириши мумкин” лигини таъкидлайди. Р.Сафарова ўзбек тилида ҳайвон номлари бўйича бажарилган Т.Ўринов, Т.Хўжамбердиев, М.Бўронов, С.Усмонов, А.Ишаев, Д.Абдураҳмоновларнинг илмий тадқиқот ишларидан фарқли ўлароқ, 1000 га яқин ҳайвонлар номини 10 та мазмун гуруҳига ажратиб, улар ўртасидаги гипонимик (жинс-тур) муносабатларини ойдинлаштириб берган.

А.Собировнинг фикрича, семантик майдондаги парадигма аъзолари ўртасидаги муносабат турларини қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Синонимик (маънодошлик) муносабати.
2. Гипер-гипонимик (жисм-тур) муносабати.
3. Холо-меронимик (бутун-бўлак) муносабати.
4. Градуонимик (лексик даражаланиш) муносабати.
5. Функционимик (вазифадошлик) муносабати.
6. Зидлик муносабати.

Семантик майдонда энг кўп учровчи муносабат турларидан бири – бу синонимия (маънодошлик) ҳодисаси. Ҳ.Нематов, Р.Расуловлар тўғри таъкидлаганидек, маънодошлик (синонимия) қаторлари ўзбек тилшунослигида атрофлича ўрганилган лексик парадигмалардан бири. Шаклан ҳар хил, мазмунан бир хил сўзлар қаторининг муайян ўхшашлик асосида ўзаро боғланиши, бу бирликлар орасидаги фарқлар, уларнинг табиати ва юзага чиқиши сабаблари маҳсус илмий ишларда, ўнлаб қўлланма ва дарслкларда ўз ечимини топган. Синоним лексема семаларидаги аташ ва вазифа семаси айнан бир хил бўлиб, ифода семаси фарқланади. Маънодошлик парадигмаси доимо очиқ. Жамият, давр талаби асосида кераксизи истеъмолдан чиқиб, қатор янгилари билан бойиб бораверади. Нутқда маънодошлик қаторлари нутқнинг аташ бирликлари, ибора, мустақил лексема семаларининг тури, ясама сўз, сўз бирикмаси, нутқий кўчма сўз билан тўлиб, кенгайиб боради. Булар контекстуал синоним сифатида нутқнинг гўзаллиги ва бойлигини таъминловчи восита саналади.

Адабиётларда синонимлар, асосан, тўрт турга бўлинади:

1. Маъно оттенкасига путур етказмай, бир-бирининг ўрнида бемалол ишлатила олувчи сўзлар *абсолют синоним* дейилади: *тилишунослик – лингвистика*.
2. Маъно жиҳатдан фарқланувчи синонимлар *семантик типга* киради: *ботир, жасур, қўрқмас, дадил*.
3. Нутқ ситуацияси ёки контекстда маънолари жиҳатдан бир-бирининг ўрнида ишлатила олувчи синонимлар *контекстуал синоним* саналади: *шоир, ёзувчи, адаб*.
4. Маъно оттенкаларида эмоционал-экспрессив ҳиссиятни ифодаловчи синонимлар – *стилистик синоним*: *юз, башара, афт, чехра, нусха, турк*.

Семантик майдон узвлари ўртасидаги иккинчи муносабат тури гипер-гипонимик муносабат саналади.

Реал борликқа парадигмадан иборат бўлган мураккаб система сифатида қараш ҳамда унинг инъикосини инсон тилидан қидириш натижасида Ғарб тилшунослиги ўтган асрда жуда кўплаб ютуқларни кўлга киритди. Хусусан, Жон Рей, Карл Линней, Чарльз Дарвин каби ботаник ҳамда биолог олимлар томонидан ўсимлик, ҳайвонлар систематикасига киритилган жинс-тур муносабати кейинчалик тил бирликларига нисбатан ҳам татбиқ этила бошланди. Тил бирликлари ўртасида амалда бўлган кўплаб муносабат турлари кашф этила бошланди. 1968 йили инглиз тилшуноси Дж.Лайонз томонидан гипонимия, гипероним, гипоним сўзлари жинс-тур муносабатини ифодаловчи атама сифатида тилшуносликка олиб кирилди. Гипонимия ҳодисаси француз тилшуноси В.Г.Гак, рус тилшунослари Ю. Степанов, А.А.Уфимцева, Л.А.Новиков, М.В.Никитинлар томонидан кенг тадқиқ этилган. Р.Сафарова кенг истеъмолдаги зоонимлар мисолида гипонимия ҳодисасини тадқиқ қилди. Муайян турларга нисбатан умумий маънони ифодаловчи ва семантик майдоннинг ядроси (маркази)да келувчи бош сўзга, доминантага нисбатан гипероним атамаси ишлатилади. Бу сўз жинсни билдиради. Гипоним маълум бир жинснинг турини билдирувчи лексик бирлик сифатида юзага чиқади. Ўзи билан тенг қийматта эга бўлган турдош гипонимлар билан биргаликда гиперонимга тобе бўлади. Демак, тилдаги жинс-тур муносабатига гипонимия деб аталади.

А.Собировнинг фикрича, жинс-тур (гипер-гипонимик) муносабати лексик сатҳдаги семантик майдонларнинг асосини ташкил қиласи. Узв (аъзо)ларни уяларга, уяларни улардан каттароқ тўдаларга, тўдаларни гурухларга, гурухларни семантик майдонларга бирлаш-

тириш чоғида жинс-тур муносабати юзага чиқиб бораверади. Майдон иерархиясининг муреккаб қурилмасида гиперонимлар ҳалқа вазифасини ўтайди; улар ўртасида субординация кузатилади, яъни кичикроқ нарсалар ўзидан каттароқ нарсаларнинг ичига даражама-дара жа кириб бораверади. Парадигма ичидаги ҳар бир лексема гипонимлик мавқеига эга бўлади. Ўз навбатида, ҳар бир гипоним бир қанча лексемаларни бир ерга жамлай олади ва у жамланган гуруҳ ичидаги бошқаларига нисбатан гипероним бўлиб қолади. *Катра, фельетон, очерк, новелла, қисса, повесть, роман гипонимлари наср гиперонимига; газал, туюқ, рубоий, фард, маснавий, қасида, оқ шеър, поэма, достон гипонимлари назм гиперонимига; драма, комедия, трагедия, трагикомедия гипонимлари драма гиперонимига бирлашиди. Очеркни драма гиперонимининг гипоними сифатида талқин қилиши мумкин эмас. Наср, назм, драма бирлашиб адабиёт гиперонимига тобе бўлади. Адабиёт ўз навбатида, ҳайкалтарошлиқ, рассомчилик, кино, театр билан биргаликда гипонимлар қаторига ўтиб санъат гипероними таркиби киради.* Келтирилган мисолда майдон иерархияси яққол қўриниб турибди.

Професор А.Нурмонов лексик бирликлар ўртасидаги муносабатларни (а) бир сатҳга мансуб бўлган бирликлар муносабати; (б) турли сатҳга мансуб бўлган бирликлар муносабати тарзида иккига ажратади; парадигматик муносабатларни биринчи турга киритади ва уни иккинчи ном билан уядошлиқ муносабати деб ҳам атайди. Бир сатҳга мансуб бўлган, қиймат жиҳатидан бир хил тил бирликларининг маълум умумий белги асосида бир гуруҳ (уя)га бирлашувига уядошлиқ муносабати дейилади. Барча сатҳларда бўлгани сингари лексик сатҳда ҳам уядошлиқ муносабати кенг тарқалган. Шуниси диққатга сазоворки, асан, лексемаларнинг маъноси ва баъзан шакли ҳам уларни битта уяга бирлаштириш учун умумий белги вазифасини ўтайди. Лексемалардаги шаклий ўхшашлиқ асосида вужудга келадиган уялардан бири бу омоним (шаклдош сўз)лар саналади. Семантик майдонларга ажратиш чоғида лексемаларнинг шаклий ўхшашлиги муҳим аҳамиятга эга эмас, қолаверса, уларнинг қандай маъно англатаётганлиги кетма-кетлик муносабати орқали ойдинлашади. Лексик бирликларнинг уядошлиқ муносабатини белгилашда кўпроқ маъно умумийлиги белгиси ҳисобга олинади. Бунда лексемаларни битта уяга бирлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилаётган умумий маъно шу уяга кирган барча аъзоларда такрорланиши шарт. Масалан, *бинафша, чучмома, момақаймоқ, исмалоқ, ялпиз, отқулоқ* лексемаларида ўсимлик умумий маъноси такрорланса, чумчук, читтак, тўргай, саъва лексемалари учун қуши умумий маъно бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳар бир уя (парадигма) система саналади. Уя (парадигма)да яна бошқа бир умумий маъно асосида кичик уя (парадигма)ларга бўлиниш имконияти бор.

Семантик майдон узвлари ўртасидаги учинчи ҳодиса холо-меронимик ёки партонимик муносабат саналади. Борлиқдаги ҳар бир нарса, ҳодиса, жараён бизнинг кўз олдимизда алоҳида бутунлик сифатида намоён бўлади. Улар маълум бир қисм, бўлак, компонентдан ташкил топади. Бу қисм, бўлак, компонентлар бир-бири билан боғланиб туриб ягона бир системани ташкил қиласди. Бутун – ўзаро диалектик алоқада бўлган қисм, бўлак, томон, элемент, компонентларнинг узвий бирлигидан иборат бўлган яхлит нарса, ҳодиса, жараён. Қисм – бутунни ташкил қилган, унинг таркиби кирган бўлак, элемент, компонент. Реал борлиқдаги бутун-бўлак муносабатининг лексикада акс этиши масаласи азалдан тилшунос олимларнинг эътиборини тортиб келган. Хусусан, рус олими М.В.Никитин бутун тушунчасини холоним, қисмни мероним ёки партоним деб аташни таклиф қиласди. Дарҳақиқат, ҳар бир тилда бутун-бўлак муносабатини ифодалашга хосланган муайян лексемалар гурухи мавжуд бўлади. Холо-меронимия ёки партонимиянинг гипер-гипоним уядан фарқи шундаки, гипонимияда майдоннинг бир узви (аъзоси) бошқаларига нисбатан қарама-қарши қўйилиб, улар ўртасидаги маъно муносабатлари аниқланса, партонимияда алоҳида олинган узв (аъзо)нинг уни ташкил қилаётган ички аъзолари билан муносабати масаласи ўртага ташланади. Масалан, *костюм* бутун ном сифатида *енг, ёқа, тугма, ён*

ғавий маъновий қаторда, тизимда намоён бўлиши бўлиб, бунда доминанта ва қуршов лексема фарқланади.

Лексик-семантик муносабатнинг кейинги қўриниши – антонимия. Адабиётларда антонимларнинг мантиқий асосини икки хил: (а) контрап қарама-қаршилик; (б) комплементар қарама-қаршилик ташкил этиши таъкидланади.

Контрап қарама-қаршилик – даражаланувчи лексема қаторидаги тафовутнинг фарқларга, фарқнинг зиддият, яъни қарама-қаршиликка ўсиб бориши натижасида биринчи аъзо билан охирги аъзонинг антонимлашуви: [кичик]– [ўрта]–[катта], [ёш]– [ўсмир]–[ўрта ёш]– [қари]. Бунда *кичик* ва *катта*, *ёш* ва *қари* лексемалари – даража қаторининг икки қарама-қарши қатори аъзолари ўртасида икки антоним аъзо белгиларини ўзида мужассамлаштирган боғловчи бўғин. Юқорида ўрта лексемасида *кичик* ва *катта* лексемаларининг контрап қарама-қаршилигини уларнинг даражаланиш қаторидан излаш лозим.

Комплементар антонимида қарама-қаршилик учинчи, оралиқ бўғинсиз бўлади: *рост* – *ёлғон*, *арzon* – *қўммат*, *осон* – *қийин*. Бу лексемалар орасида оралиқ учинчи лексема йўқ.

Дарслкларда антонимларнинг куйидаги уч тури фарқланади:

Градуал ва координация қилинган қарама-қаршилик асосидаги антоним: *oқ-қора*, *узоқ-яқин*, *бой-камбагал*, *кун-тун*.

1. Конверсия қарама-қаршиликлари асосидаги антоним: *уруши-тинчлик*, *эр-хотин*, *сотмоқ-сотиб олмоқ*.

2. Тушунчаларнинг дихотомик бўлинишлари асосидаги антоним: *атака-контратамка*, *қонуний-ноқонуний*.

**Zamira Baltayeva (Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti)  
ERKIN VOHIDOV IJODIDA LIRIK XARAKTERNING O'ZIGA XOSLIGI**

*Annotatsiya. Maqolada O'zbekiston xalq shoiri Erkin Vohidov ijodida lirik tasvir tabiatini, ruhiy kechinmaning o'ziga xosligi hamda ifoda uslubi tahlilga tortiladi. Unda muallif lirik xarakterni shakllantirish mahorati, tarixiy ruhiyat realizmi ifodasi, g'oyaviy-estetik tanlov xoslanganlik darajasi va dunyoqarash tasvir predmeti – tasavvur qamrovi nazariy jihatdan umumlashtililadi.*

*Аннотация.* В статье анализируется природа лирического портрета, своеобразность духовных переживаний и метода её выражения в творчестве народного поэта Узбекистана Э.Вахидова. В нём автор обобщает мастерство формирования лирического характера с историческим духовным реализмом, идеологическо-эстетическим выбором, уровнем своеобразности и мировоззрения с точки зрения предметно-представленным охватом.

*Annotation.* The article deals with the analysis of depiction style, the nature of lyric description and inner feeling peculiarities in the works of the People's poet of Uzbekistan, Erkin Vokhidov. In the article, the author's skill of character formation, the realism expression of historical spirit, ideal-aesthetic selection level and the subject of the world view imagination are theoretically summarized.

*Kalit so'zlar:* tarixiy ruhiyat realizmi, ifoda mustaqilligi, ijodkor filtrati, tasvir qamrovi, lirik xarakter tadriji, adabiy talqin, badiiy uslub, tahlil teranligi, falsafiy mushohada.

**Ключевые слова:** историческо-духовный реализм, самостоятельность выражения, свобода выражения, творческий субъект, последовательность охвата изображения (образа) лирического характера, литературный анализ, литературный метод, глубина анализа, философическое мышление.